$$\begin{aligned} k_1 \ddot{y} + k_2 \ddot{y}_2 + L_2 \dot{z}_1 - L_2 \dot{z}_2 + C_1 y_1 &= s_1 \cos \omega_1 t + s_2 \cos \omega_2 t + N_1 \cos(\omega_1 t - e_1) + N_2 \cos(\omega_2 t - e_2), \\ k_2 \ddot{y}_1 + L_1 \ddot{y}_2 - L_2 \dot{z}_1 + L_2 \dot{z}_2 + C_2 y_2 &= Q_1 \cos \omega_1 t + Q_2 \cos \omega_2 t - N_1 \cos(\omega_1 t - e_1) - N_2 \cos(\omega_2 t - e_2), \\ k_1 \ddot{z}_1 + k_2 \ddot{z}_2 - L_2 \dot{y}_1 + L_2 \dot{y}_2 + C_2 z_1 &= s_1 \sin \omega_1 t + s_2 \sin \omega_2 t + N_1 \sin(\omega_1 t - e_1) + N_2 \sin(\omega_2 t - e_2), \\ k_1 \ddot{z}_1 + L_1 \ddot{z}_2 - L_2 \dot{y}_1 - L_2 \dot{y}_2 + C_2 z_2 &= Q_1 \sin \omega_1 t + Q_2 \sin \omega_2 t - N_1 \sin(\omega_1 t - e_1) - N_2 \sin(\omega_2 t - e_2). \end{aligned} \quad (5)$$

Ищем решения (11) в виде

отклоним из исходного равновесного положения. При этом ограничимся первыми приближениями, входящих в уравнения движения, коэффициентами. Для этого выражение потенциальной энергии разлагается в ряд Тейлора вокруг точки $q_r = 0$

$$V = V_0 + \sum_{r=1}^n \frac{\partial V}{\partial q_r} q_r + \frac{1}{2} \sum_{r,s=1}^n \frac{\partial^2 V}{\partial q_r \partial q_s} q_r q_s + \dots + \quad (1)$$

Аналогично разлагается в ряд Тейлора и кинетическая энергия

$$T = \frac{1}{2} \sum_{r,s=1}^n (a_{rs})_0 \dot{q}_r \dot{q}_s;$$

$$F = \frac{1}{2} \sum_{r,s=1}^n (\chi_{rs})_0 \dot{q}_r \dot{q}_s \quad (2)$$

Подставляя полученных выражений для кинетических и потенциальной энергии в уравнениях Лагранжа получим

$$\sum_{s=1}^n ((a_{rs})_0 \ddot{q}_s + (\chi_{rs})_0 \dot{q}_s + (c_{rs})_0 q_s) = 0 \quad (3)$$

$(r = 1, 2, \dots, n)$

Переходим к решению систем дифференциальных уравнений (3). Решение системы (3) ищем в виде $q_s = A_s e^{\lambda t}$ $\dot{q}_s = \lambda A_s e^{\lambda t}$ Подставляя эти выражения в (3). В результате получим систему уравнений относительно A_s и λ :

$$\sum_{s=1}^n A_s ((a_{rs})_0 \lambda^2 + (\chi_{rs})_0 \lambda + (c_{rs})_0) = 0 \quad (4)$$

Для того, чтобы система (4) имела решения необходимо приравнять нулю детерминант этой системы, т.е. $\Delta(\lambda) = \|(a_{rs})_0 \lambda^2 + (\chi_{rs})_0 \lambda + (c_{rs})_0\| = 0$.

Данное уравнение называется частотным уравнением $2n$ -го порядка. Из полученной системы находим коэффициенты A_s^1, \dots, A_s^n .

Таким образом малые движения системы зависит от решения (4) λ_a . Зная λ_a и A_s^1, \dots, A_s^n можно определить закономерности малых движений около равновесного положения по формуле $q_s = \sum_{a=1}^{2n} A_s^a e^{\lambda_a t}$.

Далее получим квадратное уравнение вида:

$$\lambda^2(F(\alpha) + F(\beta)) + \lambda(F(\alpha) + F(\beta)) + (V(\alpha) + V(\beta)) = 0$$

$$y_1 = a_{11} \cos \omega_1 t + a_{12} \cos \omega_2 t + b_{11} \sin \omega_1 t + b_{12} \sin \omega_2 t \quad (6)$$

$$y_2 = a_{21} \cos \omega_1 t + a_{22} \cos \omega_2 t + b_{21} \sin \omega_1 t + b_{22} \sin \omega_2 t$$

$$z_1 = a_{31} \cos \omega_1 t + a_{32} \cos \omega_2 t + b_{31} \sin \omega_1 t + b_{32} \sin \omega_2 t$$

$$z_2 = a_{41} \cos \omega_1 t + a_{42} \cos \omega_2 t + b_{41} \sin \omega_1 t + b_{42} \sin \omega_2 t$$

Подставляя (12) в уравнения движения приходим к следующим соотношениям:

1). Если выполняется условия

$$\Delta_2 = (c_1 - k_1 \omega_2^2 - L_2 \omega_2)(c_2 - L_1 \omega_2^2 - L_2 \omega_2) - (L_2 \omega_2^2 - k_2 \omega_2^2)^2 \neq 0 \quad (7)$$

то коэффициенты a_{ij} и b_{ij} определяется по формулам:

$$a_{12} = b_{12} = \frac{(c_2 - L_1 \omega_2^2 + L_2 \omega_2)(S_2 + N_2 \cos e_2) + (k_2 \omega_2^2 - L_2 \omega_2)(Q_2 + N_2 \cos e_2)}{\Delta_2}$$

$$a_{22} = b_{22} = \frac{(c_1 - k_1 \omega_2^2 + L_2 \omega_2)(Q_2 - N_2 \cos e_2) + (k_2 \omega_2^2 + L_2 \omega_2)(S_2 + N_2 \cos e_2)}{\Delta_2} \quad (8)$$

$$b_{12} = -a_{32} = \frac{N_2 \sin e_2 (c_2 - (k_2 + L_1) \omega_2^2)}{\Delta_2}$$

$$b_{22} = -a_{42} = \frac{N_2 \sin e_2 ((k_1 + k_2) \omega_2^2 - e_1)}{\Delta_2}$$

2) Если выполняется условие.

$$\Delta_1 = (c_1 - k_1 \omega_1^2 - L_2 \omega_1)(c_2 - L_1 \omega_1^2 - L_2 \omega_1) - (L_2 \omega_1^2 - k_2 \omega_1^2)^2 \neq 0$$

то для коэффициентов a_{ij} и b_{ij} получим соотношений

$$a_{11} = b_{31} = \frac{(S_1 + N_1 \cos e_1)(c_2 - L_1 \omega_1^2 + L_2 \omega_1) + (Q_1 - N_1 \cos e_1)(k_2 \omega_1^2 + L_2 \omega_1)}{\Delta_1} \quad (9)$$

$$a_{21} = b_{41} = \frac{(S_1 + N_1 \cos e_1)(k_2 \omega_1^2 + L_2 \omega_1) + (Q_1 - N_1 \cos e_1)(e_1 - k_1 \omega_1^2 + L_2 \omega_1)}{\Delta_1}$$

$$b_{11} = -a_{31} = \frac{N_1 \sin e_1 (e_2 - (k_2 + L_1) \omega_1^2)}{\Delta_1}$$

$$b_{21} = -a_{41} = \frac{N_1 \sin e_1 ((k_2 + k_1) \omega_1^2 - c_1)}{\Delta_1}$$

вводим обозначения

$$\frac{b_{12}}{a_{22}} = \operatorname{tg} \varphi_1 \quad \frac{b_{11}}{a_{21}} = \operatorname{tg} \chi_1 \quad \sqrt{a_{12}^2 + b_{12}^2} = H_1$$

$$\frac{b_{22}}{a_{22}} = \operatorname{tg} \varphi_2 \quad \frac{b_{21}}{a_{21}} = \operatorname{tg} \chi_2 \quad \sqrt{a_{12}^2 + b_{22}^2} = H_2 \quad (10)$$

$$\sqrt{a_{11}^2 + b_{11}^2} = H_1' \quad \sqrt{a_{21}^2 + b_{21}^2} = H_2'$$

После этих обозначений получим

$$y_1 = H_1 \cos(\omega_2 t - \varphi_1) + H_1' \cos(\omega_1 t - \chi_1) \quad (11)$$

$$y_2 = H_2 \cos(\omega_2 t - \varphi_2) + H_1' \cos(\omega_1 t - \chi_2)$$

$$z_1 = H_1 \sin(\omega_2 t - \varphi_1) + H_1' \sin(\omega_1 t - \chi_1)$$

$$z_2 = H_2 \sin(\omega_2 t - \varphi_2) + H_2' \cos(\omega_1 t - \chi_2)$$

Выводы: Полученные результаты позволяет сделать вывод о том, что бесконечное возрастание двух угловых скоростей приводит к приближению центра инерции к центральной оси инерции. Центральная ось инерции при этом приближается к оси вращения. Таким образом, механическая система с двумя роторами на упругом основании, в отличие

от однороторного, при отсутствии сил сохраняет направление оси. Однако каждый ротор имеет две критические угловые скорости. Необходимо отметить, что полученные результаты качественно совпадают с известными результатами, полученными в [7].

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА:

1. В. Г. Быков. Стационарные режимы движения неуравновешенного ротора автобалансирующим механизмом // *Астрономия*. — 2006 г. № 2. — С. 90–101.
2. В. Г. Быков, А. С. Ковачев. Об устойчивости стационарных движений рото-ра с эксцентрическим шаровым автобалансирующим устройством // *Седь-мые Поляховские чтения. Тезисы докладов Международной научной кон-ференции по механике, Санкт-Петербург, 2–6 февраля 2015 г.* — С. 197.
3. В. П. Нестеренко, А. П. Соколов. Остаточный дисбаланс, вызванный экс-центриситетом беговой дорожки, при автоматической балансировке роторов шарами // *Динамика управляемых механических систем*. — 1983 г.
4. G.Genta. *Dynamics of Rotating Systems*. — Springer, 2005 y. — P. 658.
5. М.А. Берсугир Аналитические решения некоторых задач динамики твердого тела и прикладной теории гироскопов. Автореферат канд. диссер. Алма-Аты. 2010 г.
6. Горлатов Д. В. Моделирование двухроторной вибрационной установки и алгоритма прохождения роторами резонансных частот // *Неделя науки СПбПУ. Материалы научного форума с международным участием. Институт металлургии, машиностроения и транспорта. СПб., 2015.* — С. 49–51.
7. Горлатов Д. В. Алгоритм управления типовыми режимами работы мехатронных вибрационных установок. Диссертация на соискание ученой степени кандидата технических наук. Санкт-Петербург 2016г.

УДК: 631.6:631.67(043.3)

СУФОРМА ДЕҲҚОНЧИЛИҚДА КОЛЛЕКТОР-ЗОВУР СУВЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ ИМКОНИАТЛАРИНИ БАҲОЛАШ

М.А.ЯКУБОВ профессор, д.т.н., Д.А. КУВВАТОВ Ph.D.

Аннотация: Мақолада сув тақчил шароитда суғоришда зовур сувларидан қўшимча фойдаланиш асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳосилдорлигини ошириш усуллари ёритилган.

Аннотация: В статье приведены методы увеличения урожайности сельскохозяйственных культур по при дополнительном использовании дренажных вод с условиями дефицита воды.

Abstract: The article describes the crop yield methods for the additional use of drainage water with water deficiency conditions.

Республикамызда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сувтежамкор суғориш усулларидан фойдаланиш ва суғориладиган майдонларда қишлоқ хўжалик экинларининг юқори ва барқарор ҳосилдорлигини таъминлаш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Сув ресурсларининг кескин етишмаслиги камсув йилларда Қашқадарё вилоятининг суғориладиган ерларида ҳам кузатилади. Шундай йилларда қишлоқ хўжалиги экинларини сув билан таъминлашдаги муаммоларни юмшатиш чораларидан бири ҳудудларда ҳосил бўлган коллектор – зовур сувларни суғоришга ишлатиш ҳисобланади. Биз ушбу маслага қаратилган дала тадқиқотларимизни Қашқадарё вилояти Касби тумани пахта экилган суғориш майдонлари олиб бордик [1,2].

Тажриба майдонларида ғўзанинг I-вариантда чучук сув, II-вариантда эса зовур сувидан қўшиб фойдаланилди. Бунда вариантлар бўйича суғориш муддатлари ва суғориш меъёрлари тупроқ таркибидаги намлик даражаси асосида аниқланди. Барча вариантларда биринчи суғориш меъёрини аниқлашда тупроқ намлиги 70 см.дан, қолган бошқа барча суғоришларда эса 100 см қатлам бўйича аниқланди [2].

Иккинчи тажриба участкасида суғоришга қўшимча сув олиш учун ҳудудда жойлашган хўжаликлараро зовур танланди. Зовур сувининг миқдори ва минерализацияси ўрганилди. Бунга қўра, зовур сувининг сув сарфи 0,13 м³/с дан 2,08 м³/с гача ўзгариши кузатилди. Ойлик сарфланган сувлар миқдори эса 0,35 млн.м³ дан 5,38 млн.м³ гача ошди.



1-расм. Тажриба участкасида ўрнатилган насос. Зовур сувларидан суғоришда фойдаланиш

Зовурдан суғоришга сув олиш мақсадида СНП 500/10 маркали насос ўрнатилган ва насос ёрдамида

2- жадвал. 2-вариантда олиб борилган суғоришлар

Суғориш сони	Чучук сув, м ³ /га	КЗС, м ³ /га	Суғориш меъёри, м ³ /га	Муддати
1	860	-	860	18.05-24.05
2	550	600	1150	12.06-16.06
3	450	700	1150	07.07-13.07
4	500	500	1000	02.08-07.08
жами	2360	1800	4160	

Келтирилган маълумотлар кўрсатишича, ҳамма тадқиқот йилларида вегетация даври бошида тупроқ намлиги ҳайдалма (0-30 см) қатламда оптимал чегарада (ЧДНСга нисбатан 72-76 %) бўлган, 0-70 см ва 0-100 см қатламда эса намлик бир мунча кўпроқ ЧДНСга нисбатан 69,3-70,8 ва 71,7-72,2 % ни ташкил этди. Шундай қилиб вегетация даври бошида эксплуатацион шўр ювиш шароитида тупроқ намлиги

қарийб 100 га майдонни суғориш мумкин. Вариантларнинг суғориш меъёри ЎзПИТИ формуласи (Меднис М.П., Еременко Г.В. ва бошқалар) бўйича ҳисобланди. Вариантларга берилётган сув миқдори тажриба майдонидаги ўқ-ариқнинг бош томонида ўрнатилган «Чипполетти» сув ўлчаш асбоби ёрдамида ўлчаб борилди. Тажриба майдонларида суғоришлардан олдинги тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70% кузатилди. Бу вариантларда мавсум давомида биринчи тажриба майдонида 1-2-1 тизимда 4 марта, иккинчи тажриба майдонида эса 1-2-1 тизимда 4 мартадан суғориш ўтказилди [3].

Суғориш даврида чучук сув суғориш меъёрларини камайтириш мақсадида коллектор-зовур сувларидан қўшимча манба сифатида фойдаланилди. Иккала вариантда ҳам биринчи суғоришда коллектор-зовур сувларидан фойдаланилмади, яъни суғориш меъёри 860 м³/га ни ташкил қилди. Иккинчи ва учинчи суғоришда суғориш меъёри 1100 м³/га ни, тўртинчи суғоришда 910 м³/га, вегетация даврида умумий берилган мавсумий суғориш меъёри 3970 м³/га бўлди. 2-вариантда биринчи суғориш меъёри 860 м³/га, иккинчи суғоришда 1150 м³/га, шундан зовур сувлари 550 м³/га ни ташкил қилди. Учинчи суғоришда 2-вариантда суғориш меъёри 1150 м³/га ни, шундан зовур сувлари 450 м³/га ни ташкил қилди. Тўртинчи суғоришда 2-вариантда суғориш меъёри 1000 м³/га, шундан зовур сувларидан 500 м³/га ни ташкил қилди, умумий суғориш меъёри иккинчи вариантда 4160 м³/га ни ташкил қилди (1,2-жадваллар) [3].

1- жадвал. 1-вариантда олиб борилган суғоришлар

Суғориш сони	Чучук сув, м ³ /га	КЗС, м ³ /га	Суғориш меъёри, м ³ /га	Муддати
1	860	-	860	20.05-27.05
2	1100	-	1100	14.06-20.06
3	1100	-	1100	09.07-15.07
4	910	-	910	03.08-08.08
жами	3970	-	3970	

ғўза ўсимлиги ривожланишини таъминлади. Бу ўсимлик бўйи ривожланишига мувофиқ илди тизими ҳам чуқурлашиб борди. Бу эса тупроқнинг чуқурроқ актив қатламида ўсимликни узлуксиз намлик таъминотида ёрдам беради. Вегетация бошланишида ўрганилган вариантларда турлича тупроқ намлиги сақланиши кузатилди [3,4].

Биринчи суғоришдан олдин тупроқнинг 0–70 см қатламида тупроқ намлиги массанинг 13,5–13,9 % га ёки ЧДНСга нисбатан 68,9–70,4 % гача ўзгарди. Демак 2014 йилда бир метрлик қатламда биринчи суғоришдан олдинги тупроқ намлиги қуруқ массага нисбатан 16,5 % ни ёки ЧДНСга нисбатан 78,2 % ни ташкил этади. Ушбу қийматлар 2015 йилда мос равишда 15,8 ва 74,9 % ни ташкил қилди.

Биринчи суғоришдан олдин бир метрлик қатламда ўртача тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 75,3% қийматда тутиб турилган.

Вегетация даврининг кейинги босқичларида, турли хил меъёрларда олиб борилган дастлабки ва охириги суғоришлардан кейин, иккинчи, учинчи ва тўртинчи суғоришлардан олдин суғориш олди тупроқ намлигида ўзгаришлар содир бўлди. Бу ҳолат ғўза ҳосилини йиғиб олиш даврида кузатилмади.

Охириги суғоришлардан олдин тупроқ намлиги бир метрлик тупроқ қатламида намлик 2, 4 ва 6 вариантларда суғоришнинг шўр ювиш режимида ЧДНСга нисбатан 2,4–4,3 % кўпроқ, оддий суғориш режимида тупроқ нам тақчиллигига нисбатан ҳисобий тупроқ қатламидагига қараганда. Демак, иккинчи ва учинчи суғоришда тупроқнинг бир метрлик қатламида намлик 1- ва 2-вариантларда массанинг ўртача 15,4–15,7 % ини ёки ЧДНСга нисбатан 73,0–74,7 % ини ташкил қилди. Кўпайтирилган (оширилган) суғориш меъёрлари билан суғорилганда эса массанинг 16,1–16,4 % нин ёки ЧДНСга нисбатан 76,3–77,7 % ни ташкил қилди [2,3].

Тўртинчи суғоришдан олдин тупроқнинг қатламида (0–70 см) намлик массанинг 11,8–12,1 % ини ёки ЧДНСга нисбатан 60,2–60,7% ини ташкил қилди. Шундай қилиб, суғоришдан олдинги тупроқ намлигини вегетация даврида ва ҳар бир вариант бўйича мақбул (оптимал) чегарага яқин ушлаб турилган. Маълумки тупроқ намлиги унинг механик таркиби, сизот сувлари сатҳи ва суғориш миқдорига боғлиқ ўзгаради. Ўтказилган дала тадқиқотлари натижаларини статистик усуллар билан ҳисоблаш орқали биз тажриба участкаси учун тупроқларнинг механик таркибига қараб 0–100 см қатлам учун ҳажмий намлик ўзгариш графигини топдик ва боғланиш тенгламаларини келтириб чиқардик (3-расм). Бу график тупроқ – мелиоратив шароитлари ўхшаш бўлган бошқа далалар учун ҳам ҳажмий намликни прогноз қилиш имконони беради [3,4]. Тажриба майдонида ғўзани ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги бўйича ҳам кузатувлар олиб борилди. Ёзанинг дастлабки ўсув фазасида яъни 1 июнда ўтказилган фенологик кузатишда иккала тажриба

майдонидаги барча вариантларда ғўзанинг бўйи, ҳосил шохлари ва шоналар сони бир-бирига жуда яқин бўлди, чунки бу даврда ғўзанинг ўсиш ва ривожланишига суғоришнинг таъсири кўп сезилмади.

Ўза бўйининг баландлиги бўйича биринчи ўрин тажрибанинг 1-вариантида кузатилди. Бу вариантда ғўзанинг бўйи 1-тажриба майдонида 76,0 см. 2-тажриба майдонида 74,6 см дан иборат бўлди. Тажрибанинг 1-вариантида ғўзанинг баландлиги назорат вариантыга анча яқинлиги аниқланди. Ёзанинг бўйини баландлиги 1 августда ўтказилган фенологик кузатишда ҳам 1-июлдаги сингари қонуният сақланиб қолди. Лекин ҳосил шохлари ва кўсак сонлари бўйича тажрибанинг 2-вариантига нисбатан 1-вариантнинг ўсганлиги қайд қилинди.

Бу вариантда ғўзанинг ҳосил шохлари 1-тажриба майдонида 14,8 донани, кўсақлар сони эса 5,8 донани, 2-тажриба майдонида шу кўрсаткичлар юқоридагига мос равишда 14,6 ва 5,6 донани ташкил қилди. Тажриба майдонларидаги ғўзани ўсиши ва ривожланиши суғориш тартибларига боғлиқ ҳолда турлича бўлишлиги ўз навбатида ғўзани ҳосилдорлигига ҳам ҳар хил таъсир кўрсатади. Тажриба майдонларида ғўзани ҳосилдорлиги суғориш вариантлари ва тақдорланишлар бўйича 1-жадвалда келтирилган. Ушбу жадал маълумотларини кўрсатишича тажриба майдонларида энг юқори ҳосил 1-вариантда кузатилди. Бу вариант ғўзанинг ҳосилдорлиги 1-тажриба майдонида ўртача 32,8–33,6 ц/га ни, 2-тажриба майдонида эса 28,8–30,0 ц/га ни ташкил қилди.

Ҳосилдорлик бўйича иккала тажриба майдони ўзаро таққосланганда шўр сув ишлатилган вариантда, яъни 2-тажриба майдонида ҳосилдорлик 1-тажриба майдонидагига нисбатан 10–12% га камроқ бўлганини кўриш мумкин.

Хулоса.

1. Канал ва суғориш тизимларида ариқ суви етарли бўлмаган ҳолатларда коллектор–зовур сувлари қўшимча сув манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги ўрта қумоқ тупроқли дала тажрибалари орқали тадқиқ этилди. Тажрибалар кўрсатишича, коллектор–зовур сувлари ариқ суви билан аралаштириб, уларнинг минераллашувини 2,0 ва 2,5 г/л га пасайтириб, суғоришга ишлатганда пахта ҳосилдорлиги ариқ сувидагига қараганда 10–12 % га камроқ бўлиши, лекин 29–30 ц/га гача ҳосил олиб, сув кам ерлардаги ҳосилдорликка қараганда 11–12 ц/га гача ҳосилни сақлаб қолиш мумкин экан.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Икрамов Р.К. Мелиоративно-технологические принципы управления водно-солевыми режимами орошаемых земель в условиях дефицита водных ресурсов (на примере крупных массивов Средней Азии): Ташкент. 2002. ТИИИМСХ. –44 с.
2. Якубов М.А., Кувватов Д.А. «Особенности использования водных ресурсов и пути повышения водообеспеченности земель в Кашкардарьинской области». «Экология Хабарномаси». №10. 2008 г.С.16–17.
3. Quvvatov D.A. Assessment formation of rational demanded meliorative agriculture.// Novateur Publications// International Journal Of Innovations In Engineering Research And Technology [IJERT] ISSN: 2394–3696 VOLUME 5, ISSUE 12, Dec.–2018. P.1–7.
4. Rahmatulla Z., Yakubov M.A., Muradov R.A., LEI Jia Qiang Theoretical analysis of moisture dynamics on irrigation areas//Energy Engineering and Environmental. Part 1. Applied Mechanics and Material Vols. 316–317 (2013). pp/ 362–367. 10.4028/ www.scientific.net/AMM.316–317.362.

Тўравай МУСЛИМОВ, катта ўқитувчи, Азизжон ЖАҲОНОВ, ассистент, Дониёр ЖЎРАЕВ, етакчи мутахассис. ТИҚХММИ

Аннотация: Мазкур мақолада гидротехника иншоотларининг металл конструкцияларда юзага келадиган коррозиялар, уларнинг асосий турлари ва уларни келтириб чиқарадиган асосий омиллар ҳақида маълумотлар келтирилган. Шу жумладан гидротехника иншоотлари затворларининг асосий элементларини коррозияланиш даражаси ва уларни коррозиядан химоялаш усуллари ёритилган.

Аннотация: В статье рассмотрены основные вопросы процесса коррозионного повреждения металлических конструкции гидротехнических затворов, а также основные виды коррозии и коррозионных разрушений основных элементов гидротехнических затворов а также основные мероприятия направленные к защите элементов затвора от коррозии.

Abstract: In article the basic questions of process of corrosion damage metal designs of hydraulic engineering shutters, and also principal views of corrosion and corrosion destructions of basic elements of hydraulic engineering shutters and also the basic actions directed to protection of elements of a shutter against corrosion are considered.

Ключевые слова: Кооррозия, кимёвий ва электрокимёвий коррозия, электролит, затвор, сурункали, металл қоплама, легиранган пўлат, агрессив мухит.


Хозирги кунда бутун дунё бўйича барча турдаги металл конструкцияларига хавф солётган энг катта омиллардан бири металлнинг коррозияси ҳисобланади [1]

Коррозия латинчадан “corrodo” сўзидан олиган бўлиб “кемираман” деган маънони англатади. Яъни металлнинг ташқи мухит таъсирида емирилишига уларнинг коррозияси дейилади. Кимёгарлар ва материалшуносларнинг таъкидлашича олтин ва платинадан ташқари бошқа барча металллар ҳамда уларнинг қотишмаларидан тайёрланган метал бўйимлар ташқи мухит таъсирида емирилиш хусусиятига эга. Яъни ташқи мухит таъсирида қайсидир даражада коррозияланади. Пўлатларнинг коррозияси хозирги кунда асосан икки турга бўлинади: кимёвий коррозияланиш ва электрокимёвий коррозияланиш.

Пўлатга қуруқ газлар, масалан, кислород, сульфит ангидрид, водород хлорид, водород сульфит таъсир қилганида содир бўладиган ўзгаришлар кимёвий коррозияланиш дейилади. Бундан ташқари ўзидан элект токи ўтказмайдиган суоқликлар таъсирида бўладиган ўзгаришлар ҳам кимёвий коррозияланиш деб юритилади.

Намлик ва электролитлар таъсирида пўлатнинг емирилиш эса электрокимёвий коррозияланишга мансуб. Бунда металлнинг ионлари эритмага ўтиб, темир (II) гидрооксиди ва у хаводаги кислород билан оксидланиб темир (III) гидрооксидига айланади.

Ушбу жараён натижасида қизғиш – қўнғир тусга эга бўлган эритма ҳосил бўлади ва пўлат элементларнинг сиртини қоплаб бошлайди. Эритманинг сувсизланиши натижасида юқори ғовақликка эга бўлган занг ҳосил бўлади. Ҳосил бўлган занг адсарбион хусусиятга эга бўлиб ташқи мухитдаги сувни ўзига ютади ва коррозияланиш жараёнини тезлаштиради. Ташқи мухитдаги хароратни ортиши ҳам коррозияни жадаллаштиришга сабаб бўлади.



1-расм. Элемент сиртини коррозияланиши.

Шунга асосланган холда пўлат конструкция элементларининг коррозияланиши турлича кечиши мумкин. Бутун сирти бўйича ёки айрим жойларда. Энг хавфли коррозия пўлат кристаллари орасидаги коррозияланиш ҳисобланади. Бундай коррозия гоҳида кўзга ташланмаса ҳам анча чуқурга кириб боради ва металл заррачаларининг қирралари бўйича бузилишга сабаб бўлади. [1-расм]

Пўлатларнинг кимёвий таркибини ва структурасини бир хилда бўлмаслиги уларнинг коррозияланишга мойиллигини оширади. Масалан, Томас ва Бессемер усули билан олинган пўлатлар Мартен усули билан олинган пўлатларга нисбатан бир хил шароитда кўпроқ коррозияга учрайди. Оксидсизланиш даражасига кўра қайнаб совийдиган пўлатлар ҳам тинч холда совийдиган пўлатларга нисбатан кўпроқ коррозияланади. Кўп йиллик кузатишлар шуни кўрсатадики сув ва тупроқ шароити кучли шўрланган жойлардаги гидротехника иншоотларининг механик ускуналари ҳам шўрланмаган шароитлардаги металл конструкцияларга нисбатан кўпроқ коррозияланар экан.

Пўлат конструкция элементларини ташқи юқлар таъсирида кескин букилиши таъсирида ёки уларга болтлар ва парчин михлар ўрнатиш учун турли ўлчамдаги тешиклар ўйиш натижасида, парчин михли бирикмаларни бажариш жароёнида ҳамда пўлатга бошқа турдаги термик ёки механик ишлов бериш натижасида ҳам пўлатнинг структураси бузилади ва унда коррозияланиш тезлашади.

Пўлат конструкцияларни тайёрлашда конструкция элементларининг сиртига сайқал бериш катта аҳамият қасб этади. Чунки, ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики силлиқ сиртли конструкция элементларининг коррозияланиши худди шундай дағал сиртли конструкция элементларининг коррозияланишидан бир неча марта кичик бўлади.

Пўлат конструкция элементларининг нотекис пластик деформациялар юзага келадиган жойларида бирмунча хавфли ҳисобланган кристаллараро коррозияланиш жароёни бошланади ва пўлатнинг структурасида кўзга кўринмайдиган дарзларни ҳосил бўлишига сабаб бўлади.


Пўлатнинг коррозияланиш тезлиги кўп жихатдан унинг зўрриққанлик холатига боғлиқ бўлади.

Пўлат конструкция элементлари ташқи кучлар таъсирига эластик тарзда ишласа, уларнинг деформацияси одатда жуда кичик қиқматларга эга бўлади ва элементнинг ташқи сиртларидаги химоя қатламларида узилиш бўлмайди ва бундай элементлар

коррозияга анча турғун бўлади. Чунки бунда пўлат атомлари орасидаги боғланишлар деярли йўқолмайди.

Пўлат конструкция элементларининг коррозияланиш жадаллиги хозирги кунда бир қанча усуллар билан аниқланади. Булардан энг кўп қўлланиладиган ва кам харажатлиларидан бири йил давомида коррозияни чуқурлашиш миқдорини аниқлаш усули ҳисобланади. Ушбу усул жуда содда бўлиб, амалдаги конструкция элементининг йил давомида емирилиш чуқурлиги аниқланади (мм/йил). Ушбу кўрсаткичга асосланиб конструкция элементларининг зарарланиш даражаси ва хизмат муддатининг ўзгариши олдиндан башорат қилиниши мумкин. бундан ташқари турли хилдаги пўлат намуналарининг коррозияланиш жадаллиги эса маълум бир ўлчамдаги намуналарнинг йил давомида массасини йўқотилиши билан ҳам аниқланиши ҳам мумкин ($g/m^2 \cdot \text{йил}$).

Пўлатларнинг атмосфера таъсиридаги коррозияланиш жадаллиги, ишлаш шароитига боғлиқ холда жуда катта интервалга эга бўлади. [2-расм]



2-расм. Турлихилдаги конструкция элементларининг коррозияланиш даражаси.

Масалан, гидротехника иншоотлари затворларининг (пўлат қопламасининг) йил давомидаги коррозияланиш чуқурлиги, 0.02...0.87 мм/йил ни ташкил этиди.

Пўлат конструкция элементларининг коррозияланиш жадаллиги элементларнинг кўндаланг қесими ва фазодаги вазиятига жуда кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Турли хилдаги конструкция элементлари таҳлил этилганида герметик берк контурли пўлат қувурларнинг ички – деворининг коррозияланиш чуқурлиги 0.03 ... 0.06 мм/йил ни, ташқи сиртининг коррозияланиш чуқурлиги эса 0.21 ... 0.38 мм/йил ни ташкил этади. Ушбу кўрсаткич горизонтал ҳолатдаги пўлат қўштак деворида эса: устки томонида 0.61 ... 0.83 мм/йил, пастки томонида эса 0.06 ... 0.09 мм/йил ни ташкил этган. Сув ҳўжалиги қурилишидаги ясси затворларнинг кўндаланг қесими қўштак шаклидаги асосий йиғма тўсинларида ушбу кўрсаткич мос равишда: тўсин деворининг устки томонида 0.87 ... 1.03 мм/йил ва тўсин деворларининг пастки томонида 0.18 ... 0.23 мм/йил ни ташкил этган. Бундан, шундай хулосага келиш мумкинки вақти вақти билан сув ва ҳаво тасирида бўладиган конструкция элементлари сиртида сув, турли таркибга эга бўлган чўкиндила йиғилиб қолади ва пўлат элементларининг коррозияланишини тезлаштириб юборади.

Металл конструкцияларни барпо этишда айрим конструкция элементлари (йиғма тўсинлар, пўлат калонналар, фермалар) бир қанча алоҳида элементлардан ташкил топади. Бунда алоҳида элементлар ўзаро пайвандлаб ёки болтлар ёрдамида бириктирилади ва улар орасида ҳосил бўладиган ёриқлар каррозияни тезлаштиришига таъсир

кўрсатадиган асосий омиллардан бири ҳисобланади. Ушбу жойларда чанг – тўзон, атмосфера ёғинлари ва бошқа моддалар чўкинди ҳолатида тўпланиб қолади. Натижада ушбу жойларда дастлабки коррозия ўчоқлари ҳосил бўлади.

Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, пўлат конструкцияларни ҳаво айланмайдиган, конденсат ва гидроскопик сувлар ҳамда бошқа ташқи муҳит чиқиндилари тўпланиб, узоқ вақт сақланиб қоладиган жойларида коррозияланиш юқори бўлади. Юқорида пўлатларнинг коррозияси ҳақида хозирги кунгача ўрганилган жуда қисқа маълумотлар келтирилди. Лекин, афсуски металлларнинг шу жумладан пўлатларнинг коррозияси бутун дунё бўйича ҳали тўлиқ ўрганилмаган энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Статистик маълумотларга кўра коррозияга қарши чора-тадбирлар қўрилмаган пўлат конструкцияларда йиллик коррозияланиш миқдори 3...5 % гача етиб борди. Демак, бунинг натижасида конструкциянинг айрим элементларининг юк кўтариш қобилияти йилига 3...5 % гача камайиб боради ва хизмат муддати ҳам мос равишда 2...3 марта камайиб кетади. Шунинг учун ҳам пўлат конструкцияларни лойиҳалашда ва қуришда уларнинг мустаҳкамлик ва деформация шартларидан ташқари коррозияга турғунлигига ҳам алоҳида эътибор бериш талаб этилади. [3-расм]



3-расм. Гидротехника иншоотлари затворларини нотекис коррозияланиши.

Пўлатларнинг коррозияланиши натижасида халқ ҳўжалигига келтирадиган зарари уларнинг бошқа сабабларга кўра бузилиши натижасида юзага келадиган зарарларга нисбатан бирнеча марта кўпроқ бўлади. Шунинг учун ҳам металл конструкцияларни коррозиядан ҳимоялашга қаратилган чора-тадбирларни ўз вақтида қўллаш уларнинг мустаҳкамлигини ва устиворлигини таъминлашда катта аҳамият касб этади. Айниқса, гидротехника ва гидромелиорация тизимидаги пўлат конструкцияларни лойиҳалашда коррозияга қарши чора-тадбирларни қўллаш нафақат техник ва иқтисодий балки ижтимоий аҳамиятга ҳам эга бўлади. Чунки, ушбу тизимлардаги пўлат конструкцияларнинг айрим қисмлари сурункали ҳаво таъсирида, айрим қисмлари сурункали сув таъсирида қолган қисмлари эса вақти – вақти билан ҳаво ва сув таъсирида бўлади. Ушбу қийин шароитда ишлайдиган конструкцияларни коррозиядан ҳимоялаш анча қийин кечади. Шунинг учун гидротехника ва гидромелиорация тизимидаги пўлат конструкцияларнинг коррозияланиши уларнинг ишончилиги ва ҳавфсизлигига салбий таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Пўлат конструкцияларини коррозияланишдан химоялашга қаратилган чора-тадбирларни тизимли қўлланилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Хозирги кунда пўлатларни коррозияланишдан муҳофаза қилишнинг турли усуллари мавжуд. Улардан амалий ахамиятга эга бўлган энг асосийларидан бири.

Конструктив чора-тадбирлар ҳисобланади. Конструкцияни аниқ ишлаш шароитини эътиборга олган ҳолда пўлатнинг турини ва маркасини тўғри танлаш; тинч совийдиган пўлатлардан фойдаланиш, пўлат конструкция элементларини ўзаро бириктириш усуллари тўғри танлаш катта ахамиятга эга.

Коррозия хавф юқори бўлган агрессив муҳитда ишлайдиган пўлат конструкцияларни барпо этишда иложи борича яхлит кесимли конструкция элементларини лойihalаш, акс ҳолда нояхлит кесимли элементлар қабул қилинса алоҳида элементлар ўлчамларини ошириб сонини қисқартириш керак бўлади. Бунда уларнинг техник ҳолатини аниқ кўздан кечириш, атмосфера чиқиндиларидан тозалаш ва ташқи сиртларини кичик механизация воситаларидан фойдаланиб бўйаш ишларини бажариш етарли даражада осонлашади.

Бундан ташқари пўлат конструкцияларни лойihalашда аксарият конструкция элементлари коррозияга нисбатан кам учрайдиган ҳолда лойihalаниши керак. Яъни, ташқи юзаси нисбатан кичикроқ бўлиши ва ёгингарчилик ҳамда чанг тўзон камроқ тўпландиган ҳолда лойihalаниши мақсадга мувофиқ бўлади.



4-расм. Металл конструкция элементларини коррозиядан химоялаш усуллари

Сурункали ёки вақти – вақти билан сув таъсирида бўладиган (затворлар) пўлат конструкцияларни

лойihalашда сувни тез оқиб кетишини таъминловчи конструктив ечимлар қабул қилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки элемент сиртида сув тўпланиб қолса, унинг таркибда турли хилда кимёвий таркибга эга бўлган чўкиндилар бўлиши мумкин. Ушбу эритмалар аксарият ҳолатларда электродитлар вазифасини бажаради ва коррозияни тезлатиб юборади. Шунинг учун кўндаланг кесими корета шаклидаги элементларни сувнинг тез оқиб кетишини таъминлайдиган махсус тешиклар билан таъминлаш коррозияланишни сезиларли даражада камайтириб, элементнинг хизмат муддатини оширади. Қуйдаги 4-расмда хозирги кунда металл конструкция элементларини коррозиядан химоялашнинг асосий усуллари келтирилган.

Юқоридаги 4-расмда келтирилган диаграммага асосан энг салмоқли химоя усули металл конструкция элементлари сиртини лак-бўёқлар билан бўйаш ҳисобланади (ўртача 39.5% ҳолларда). Лекин ушбу усул усти берк бўлган бино ва иншоотдаги конструкциялар учун наф келтириши мумкин. Лекин, сурункали ёки вақти – вақти билан сув таъсирида бўладиган гидротехника иншоотларининг механик ускуналари учун фақат ушбу усулни қўллаш етарли бўлмайди. Чунки, гидротехника иншоотларининг механик ускуналари шу жумладан затворлар турли даражада шўрланган сув ва тўпроқ таъсирида бўлади. Бундан ташқари сувдаги абразив заррачалар ва бошқа жисмлар конструкция элементларини механик емирилишига сабаб бўлади. Бу эса металл қопламалари ёки лок-бўёқ қопламаларини жуда тез муддатда емириб, коррозияни тезлатиб юборади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, гидротехника иншоотлари металл конструкцияларини лойihalашда ва қуришда ҳар бир элементнинг коррозияга турғунлигини таъминлаш чора – тадбирлари назарда тутилиши керак. Шундан келиб чиққан ҳолда затвор элементлари учун тўғри материал танланиши, яъни қуйи ва ўртача легирилган пўлатлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки ушбу пўлатларнинг коррозияга турғунлиги оддий кам углеродли пўлатларнинг коррозияга турғунлигидан қариб 3...10 марта юқори бўлади. Бу эса эксплуатацион харажатларни камайтириб, мос равишда конструкциянинг хизмат муддатни оширади.

Бундан ташқари гидротехника иншоотларидаги металл конструкцияларни лойihalашда уларда сув ва лойқа тўпланиб қолишига қарши конструктив чора – тадбирларни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади ва гидротехника иншоотларининг мустаҳкамлигини, устуворлигини ва ишончилигини таъминлашга асос яратилади.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

- 1.Ф.Горифулин, Г.Фелисов Материаловедения и технология металлов. изд.Оникс. 2009 йил 624 с.
- 2.Селленова И.В.,Флорианович Г.М. Коррозия и защита от коррозии. Изд.М.Физматлит. 2002. 33 с.
- 3.Андреев И.Н. “Введение в коррозиологию” Казань 2004 –йил. 140 с.
- 4.Англи Р. “Коррозия и защита от коррозии: пер. С. Англ Изд.Интеллект. 2013 йил 344 с

THEORETICAL-METHODOLOGICAL BASES OF ENSURING SUSTAINABILITY IN EMERGENCY SITUATIONS IN HYDRO-TECHNICAL CONSTRUCTIONS

Gulnoza MURTAZAEVA, ass. Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers.

Abstract: *A reservoir emergency may be an accident in a particular area, as well as a result of a hydro technical accident that has caused damage to human settlements and the environment near the reservoir.*

Аннотация: *Сув омборидаги фавқулодда вазият муайян ҳудуддаги аварияга олиб келиши мумкин бўлган, шунингдек, гидротехника иншоотининг аварияси натижасида вужудга келган бўлиб, сув омбори яқинидаги аҳоли яшаш масканларига ва атроф муҳитга зарар етказилишига олиб келган вазиятдир.*

Аннотация: *Аварийная ситуация в водохранилище может быть аварией в конкретной области, а также результатом гидротехнической аварии, которая нанесла ущерб населению и окружающей среде вблизи водохранилища.*

Ключевые слова: *dams, hydraulic structures, risk, stability, water level, durability, security.*

Damage to hydro technical structures at reservoirs will lead to accidents and catastrophes, as well as loss of life, destruction of industrial and agricultural facilities, and disturbance of life in the flooded areas.

There are many hydro dynamically hazardous facilities in the country, which are a source of danger to the population and the region, and in certain conditions can become a source of emergencies.

Hydro dynamically hazardous facilities are structures or natural structures that make a difference in the pre- and post-water levels along a stream. Most hydraulic structures consist of artificial and natural dams.

They have the following signs.

1. Dam
2. High bef
3. Lower bef

Bef is a part of the river adjacent to the pressure structure:

Upper bef is the pre-flow section of a river or canal, or the upper surface area of the river and the area it occupies:

The lower beam is the lower part of the river or canal following the flow structure, or the lower level of the water and the area occupied by it.

Dams in hydraulic structures can be natural and artificial. Artificial dams are built by people for their own needs. Natural dams are formed by landslides, mudflows, landslides, earthquakes.

The causes of emergencies in hydraulic structures are always affected by the following decomposing forces: water flow, vibration, earthquakes, static and dynamic forces, metal rusting, concrete mixing, and so on.

Some of the hydraulic structures are located near large cities and large populated areas, and are highly hazardous facilities. Damage to hydraulic structures can lead to flooding of large areas, including cities and towns. This results in huge economic losses.

Hydraulic structures may be damaged as a result of:

1. Dangerous natural phenomena natural disasters (earthquakes, landslides).
2. Natural wear and tear of equipment.
3. Design and construction errors.
4. Violation of Terms of Use.
5. Dam perforation A small hole in the dam body.
6. Dam failure
7. Washing the dam

All hydraulic hazardous facilities and potential flooding areas should be mapped out with appropriate damaging factors and indications.

These documents are in the offices and emergency departments, as well as in the ministries and departments that build and operate the hydraulic structures.

Consequences of hydro technical catastrophe:

1. Damage or damage of the hydraulic structure and short or long term failure
2. Wave waves can damage people and destroy various objects and structures

3. Damage to property, land, crops, structures, buildings and other infrastructure by flooding the area

The nature and extent of the disasters that may occur depends on the following factors:

- Indicators of hydraulic structures (water volume, dam height, equipment, durability);
- The nature and extent of the disorder;
- The characteristic of the hit wave;
- Surface relief, plants, structures;
- Season, day and night, weather conditions;
- Availability of protection structures (circulating ducts, discharges, elevations);
- Availability, functioning and efficiency of the system with limited reporting;
- Excellent management, organization and efficiency of emergency rescue and other emergency operations within emergency situations;
- Preparation of industrial facilities and population for possible emergency situations;

In addition to the initial damages and their consequences in hydraulic engineering facilities, the following secondary factors are:

- Contamination of water and surface by various harmful substances;
- Loss of durability of buildings and structures;
- Environmental disturbances in the environment;
- Other negative effects related to the site of the accident and specific conditions in the area.

Hydro technical organizations have a number of obligations to ensure their safety. According to him, the design, construction and operation of such hazardous facilities include an analysis of the reasons for its security decline, and the development and implementation of potential accident prevention measures.

Sustainability is the ability of hydraulic structures to operate in the face of natural and man-made emergencies. This is the first time the building was built during the design of buildings and technological networks.

Sustainability of hydraulic structures is understood to be able to continue operating at a fixed rate in the event of partial destruction of facilities.

Sustainable operation of hydraulic structures in emergencies is defined as work capacity, safety of workers, reduction of material damage, short-term recovery of defective production, prevention of accidents and damages on the basis of safety plans, emergency response.

Preparation of hydraulic structures for emergency situations is the creation of conditions to prevent or reduce the risk of accidents and catastrophes, to reduce material damage, as well as to reduce the risk of emergencies, taking into account the risk of emergencies pre-arranged organizational, scientific, research and technological activities for emergency rescue operations

and other emergency operations meteorological and engineering and technical measures.

Issues of improving the sustainability of hydraulic structures should be addressed both nationally and in all production units of the national economy. The essence of the understanding of sustainable operation of hydraulic structures is to provide pre-planned organizational, research, technological, engineering and technical measures, to minimize any damage and losses, to create conditions for rescue and urgent work, and to break the production in the shortest possible time rehabilitation and scheduled maintenance.

Assessment of the sustainable operation of hydraulic structures is a comprehensive study of working conditions. This process is very complex and should be covered in the following areas:

- Assessment of the operation of the facility as a result of emergency situations;
- Definition of the description and degree of impact of secondary traumatic factors;
- Consideration of the availability of reserves, autonomous sources of resources in case of emergency situations and studying of other components that support the work process;

The following should be taken into consideration when evaluating the sustainability of hydraulic structures.

1. Performance evaluation
2. The description and degree of impact of secondary injury factors as a result of an emergency
3. Manufacturing systems of the object and its production links, their reliability
4. Availability of resources, autonomous sources of supplies
5. Reliability of management and reporting systems

Also, the importance and essence of hydraulic structures, their location in relation to potential damages, size and density of construction, technological

characteristics, organization of protection for workers and personnel, determination of emergency conditions, conditions of emergence, etc.

Assessment of the object's stability, its engineering and technical complexity, will be the ability of the object to cope with the secondary damages caused by an emergency.

Measures for the sustainable operation of hydraulic structures include:

- Organizational;
- Scientific research;
- Technological;
- Engineering technician;

Organizational activities are the development of a contingency plan for the protection of workers.

Research activities are carried out by the Ministry of Water Resources and the Statistical Committee. Development and planning of engineering and other measures to prevent accidents and catastrophes of ministries, agencies, provincial and city governments, to minimize material damage to the economy, to improve the sustainability of networks and critical facilities and offers for implementation.

Technological is the activity developed based on the nature of each reservoir, the techniques and technologies used.

Engineer-technicians are the most important long-term actions that require significant capital investments.

The engineering and technical complexes include hydraulic structures, public utilities, equipment, equipment, technological communications and other facilities.

In identifying such measures, it is important to analyze all the factors that influence sustainable operations. This should address all emergencies. This should be done at the regional, regional and national levels.

REFERENCES:

1. G.Murtazaeva. International scientific-practical conference "Problems and prospects of effective water management in the context of globalization" Tashkent-2017
2. G.Murtazaeva. Study of technical condition of water reservoirs improvement. Agro Ilim Issue 6 (56), 2018
3. T.Haydarov, A.Khodjiev, G.Murtazaeva. Issues of improving the safety of hydraulic structures. «Agro Ilim» №3 (59), 2019
4. G.Murtazaeva, Sh.Khodjieva. Effective use of innovative methods in teaching life safety for hydraulic engineers Proceedings of the International Scientific-Practical Conference "Promoting the Efficiency, Reliability and Security of Hydraulic Engineering Facilities", Vol. Tashkent - 2018
5. www.mchs.ru.